



МУСТАҲКАМ ИШОНЧ ВА ДЎСТЛИК, ОҒЗИБИРЛИК ВА ҲАМКОРЛИК РАМЗИ

Президент Шавкат Мирзиёев 29 февраль куни иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳалар ва маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар билан танишиш, янги объект ва лойиҳаларни ишга тушириш учун Хоразм вилоятига ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманига бориб, янги кўприкнинг очилиш маросимиди иштирок этди.

Бу улкан иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга стратегик иншоотдир. Президентимиз бу ҳақдаги ташаббусни 2020 йил 13 декабрь куни Хоразм вилояти фаоллари билан учрашувда илгари сурган эди. Шундан сўнг пухта лойиҳа ишлаб чиқилиб, катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари унинг қурилишини икки бор келиб кўрди.

29 февраль куни Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти фаоллари иштирокида янги кўприкнинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Президент дастлаб поездда ва автомобилда юриб, кўприк сифатини кўздан кечирди. Жамоатчилик иштирокидаги йиғилишда бу лойиҳанинг самарадорлиги, аҳоли ҳаётидаги аҳамиятини таъкидлади.

— Оролбўйи минтақасини, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасининг ривожлантириш, аввало, экологик инқироз оқибатларини юмшатиб, мураккаб вазиятда яшаётган аҳолимизга қулай шароитлар яратиш мамлакатимиз тараққиёт стратегиясининг бош мақсадларидан биридир. Илгари ҳам айтганимдек, Қорақалпоғистоннинг тақдири, қорақалпоқ халқининг бахти ва фаровонлиги — бу бутун Ўзбекистон халқининг бахти ва фаровонлигидир. Бутун мана шу эзгу мақсадни амалга ошириш йўлида яна бир улкан қадам қўймоқдамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Кўприк қурилган жой юртимизнинг энг чекка ҳудудларидан бири. Шу пайтатча одамлар ўтган асрнинг элигинчи йилларида олиб келинган эски понтон кўприқдан фойдаланиб келар эди. Ҳар баҳорда муз эриб, дарёда сув кўпайиши билан у жиддий шикастланадди. Бу дарёнинг икки томонидаги аҳолига жуда кўп қийинчиликлар туғдирарди.

Масалан, Амударё тумани аҳолиси автомобилда Нукусга бориш учун Урганч ва Беруний орқали юришга мажбур эди. Бунинг учун қўшимча 180 километр йўл юришга тўғри келарди. Поездда эса Хоразмнинг шарқ томонидаги Хазорасп кўпригидан ўтиб кетарди.

Янги кўприк туфайли бу қийинчиликлар барҳам топади, халқнинг узоғи яқин бўлади. У орқали Қорақалпоғистон билан Хоразмни боғлайдиган энг яқин автомобиль ва темир йўл қатнови йўлга қўйилади.

Кўприкнинг узунлиги 423 метр. У билан бирга Шовот — Қораўзақ бекатларини боғлайдиган 85 километрик темир йўл ҳамда 3 та вокзал ҳам барпо этилди.

Бу иншоот самарасида йўлнинг ўтказиш қобилияти 4 баробарга ошиб, бир кеча-кундузда 12 минг автомобиль ҳаракатланади. Натижада 48 минг йўловчининг 2 соат вақти тежаллади ва дарёдан хавфсиз ўтиши таъминланади.

Кўприк икки тарафга қараб 24 жуфт поездни ўтказиш имкониятига эга бўлиб, бу орқали темир йўл масофаси 180 километрге, юк ташиш тезлиги эса 6 соатгача қисқаради. Бу эса маҳаллий юкларни ташини ҳажмини йилга 2 баробарга ошириш, ташини таннархини 2 баробарга камайтириш имконини беради. Ушбу темир йўл орқали Қозоғистон ва Россияга ҳам янги йўналишлар очилади.

Шунингдек, Қораўзақ конларидан тош энци поездларда ташилиши ҳисобига Оролбўйи минтақасидаги 4 миллион аҳоли ва туристларга хизмат кўрсатувчи автомобиль йўллари сифатли сақланади. Бундан ҳам аҳоли, ҳам тадбиркор ва туристлар катта манфаат топади.

— Биз биргаликда бунёд этган бу мухташам кўприк шунчаки навбатдаги инфратузилма иншооти эмас. Бу кўприк, аввало, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги мустаҳкам ишонч ва дўстлик, оғзибирлик ва ҳамкорлик кўпригидир. Бу йўл жаҳонга очилаётган Янги Ўзбекистон, Янги Қорақалпоғистоннинг тараққиёт ва фаровонлик йўлларидир. Мана шу азим дарёнинг икки соҳилида, шундай ёруғ кунларни орзу қилиб яшаб келаётган минг-минглаб юртдошларимизнинг умидлари рўёбга чиққан тарихий кун барчамизга муборак бўлсин, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари огир иқлим шароитида фидокорона меҳнат қилган моҳир курувчиларга, лойиҳачи ва муҳандисларга, кўприкни барпо этишга муносиб ҳисса қўшган барча инсонларга миннатдорлик билдирди. Аҳолига қулайлик яратишга қаратилган ишлар изчил давом эттирилиши таъкидлади.

Хусусан, бу йил Бухоро — Урганч — Хива, келгуси йилдан Мискин — Нукус темир йўли электрлаштирилади. Натижада Хива ҳамда Нукус шаҳарларига тезорар поездлар қатнови йўлга қўйилади. Ушбу ҳудудлардаги аҳолининг мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига бориб-келиши осонлашади. Бу лойиҳалар ҳисобидан транспорт қаражатлари 2 баробар қисқариб, йўловчи ташини 30 фонизга ошади.

Умуман, бундай йирик лойиҳалар Қорақалпоғистон ва Хоразмнинг иқтисодий салоҳияти ошиши, инвестициялар оқими ва иш ўринлари кўпайиши, аҳоли даромадлари ўсишига хизмат қилади.

Маросимда сўзга чиққанлар мамлакатимиз ҳаётидаги ушбу тарихий бир воқеа муносабати билан барчани табриклаб, Оролбўйи ривожига эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев “Хива кластер” масъулияти чекланган жамиятининг тўқимачилик корхонаси фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда хомашёни чуқур қайта ишлаб, қўшилган қиймат яратишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, агросаноатда кластерлар томонидан замонавий корхоналар қурилиб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенгаймоқда.

“Хива кластер” ҳам Хива туманида шундай фабрика ташкил этди. Туркия, Германия ва Хитойдан илгор ускуналар келтириб ўрнатилди. Ўтган йил ноябрда ишга туширилган корхонада 4 кишининг бандлиги таъминланди.

Корхона йилига 7 минг тонна ип-калавая, 4 минг тонна трикотаж мато, 10 миллион дона тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Энг муҳими, уларнинг сифати халқаро стандартларга жавоб беради. Шу боис, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўлиқ экспортга йўналтирилади. Корхонанинг йиллик экспорт салоҳияти 15 миллион доллар агрофиди.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди, тикувчи хотин-қизлар билан суҳбатлашди.

Иқтисодиёт тармоқларидаги бутунги тенденциядан келиб чиқиб, бу корхонада ҳам энергия тежамкорликка эътибор қаратилган. Масалан, куз-қиш ойларида хоналар ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқ сув ёрдамида иситилади. Натижада катта миқдордаги табиий газ тежалди. Шунингдек, мажмуа тоmlарига умумий қуввати 60 кВт бўлган қуёш панеллари ҳам ўрнатилган. Буларнинг ҳисобига маҳсулот таннархи рақобатчиларникига нисбатан паст бўлмоқда.

Корхонада хорижий ҳамкорлар талабига асосан, сифат назорати, касб ўргатиш маркази ташкил этилган. Чиқиндиларни қайта ишлаб, фойдаланиш ҳам йўлга қўйилган.

Тўқимачилик кластери ўтган йили қарийб 20 минг тонна пахта хомашёси етиштирган. 1 минг 545 гектарда томчилаб сугориш йўлга қўйилган.

Умуман, кластер томонидан 2018-2023 йилларда 105 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилиб, йиллик 50 миллион долларлик экспорт қуввати яратилган. Кластер тизимида жами 800 дан ортиқ йиғит-қиз ишламоқда. Жумладан, ҳозирда бошқа корхоналар билан ҳамкорликда ёғ, совун, туҳум, сут маҳсулотлари, пойабзаллар каби 20 га яқин товарлар ишлаб чиқарилмоқда.

Президентимиз маъмур кластер тизимидаги истиқболли режалар билан ҳам танишди. Жумладан, янги лойиҳалар ҳисобига пахта етиштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қўшилган қийматли маҳсулотлар олиш, кичик ҳажмли юк машиналарини маҳаллийлаштириш мўлжалланган. Шунингдек, яқин йилларда чиқиндисиз ишлаб чиқаришга ўтиш режалаштирилган.

Кластер бу истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш орқали 10 мингдан 30 минггача иш ўрни яратишни мақсад қилиб олган.

Давлатимиз раҳбари Хоразм вилоятинда амалга оширилиши режалаштирилётган инвестиция лойиҳалари тақдироти билан ҳам танишди.

Вилоятда чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликда машинасозлик, шаҳарсозлик, кимё, тўқимачилик, қурилиш материаллари, тиббиёт, озиқ-овқат каби муҳим тармоқларда умумий қиймати 1,5 миллиард долларлик ўнлаб лойиҳалар ишлаб чиқилган. Тақдиротда шундан умумий қиймати 660 миллион доллардан зиёд 18 та лойиҳа ҳақида ахборот берилди.

Хусусан, юк электромобиллари, аккумуляторлар учун никель сульфат, архитектура ойналари, шиша идишлар, қурилиш материаллари, лак-бўёқлар ва мато ишлаб чиқариш каби лойиҳалар ҳудуд иқтисодиёти ривожига катта ҳисса қўшиб, минглаб иш ўринлари яратиши билан аҳамиятли. Меҳмонхона, шиофхона, кўнгилозор масканлар ва йўллар қуриш, экотуризмни ва балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар аҳоли фаровонлиги ошишига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари уларнинг ташаббускорлари бўлган чет эллик инвесторлар ва маҳаллий тадбиркорлар билан суҳбатлашди. Лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳақида фикр алмашилиб, уларни жадаллаштириш, тадбиркорларга қўшимча шароит яратиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Хива туманидаги Истиқлол маҳалласига борди.

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

Ифтихор

ЯНГИ ЗАМОН КЎПРИГИ

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Қани шоир, замон юкин сен ҳам илдам орқала,
Замонангдан бир қадам ҳам қолма асло орқада.

Кеча-кундуз тиним билмас, зўр шиддат, гулдуроси,
Бедор бўл дер, бедор бўл дер, бедор замон дарёси.

Ўқиздарё, Амударё, Жайхундарё, жон дарё,
Қадим элга ўзингдирсан қадим шараф-шон дарё.

Бир ён Хоразм элию, бир томон — Қорақалпоқ,
Уч минг йиллик манзил гўё у қирғоқ то бу қирғоқ.

Қўш соҳилда сабрлари жарлар каби емрилган,
Асрларким, икки элат бир-бирига термилган.

Ораликда оққан дарё гўё ҳажру фироқдир,
Қошу кўздан ақинроғу, асрларча йироқдир.

Зиддиятга тўлиқ дунё, низоларга — даҳри дун,
Ярим дунё бағриқону, ярим дунё — жигархун.

Бизнинг мақсад эзгуликдир, тўлдиргаймиз камини,
Хушмуждалар кўмсин деймиз бутун рўйи заминни.

Ҳар тонг, ҳар он еткизгайдир ҳар бир учган қуш хабар,
Бу тонг саҳар Хоразмдан келди янги хушхабар:

Элнинг орзу-армонлари яна бир бор уйрилмиш,
Амударё узра улкан янги кўприк қурилмиш.

Дилимизда, тилимизда фахру гурур, шукрона,
“Ҳайё-хуйт” деб Хоразмга томон бўлди равона.

Ҳали Мўйноқ ҳайратларин сеҳри тарқалмай туриб,
Қаршимиздан бир мўъжиза чиқди озод қад кериб.

Бир кўприкким, андозаси бўлмаган бу арода,
Асрларни, даврларни боғлаган бир маъвода.

Шовот томонлардан келсанг дилда жўшиб ғайратлар,
Борлигини чулғаб олар завку яқин шағв ва ҳайратлар.

Қадим тупроқ, туғларинг ҳам туғроларинг бор бўлсин,
Султон Увайс тоғларинг ҳам Куброларинг бор бўлсин!

Берунийнинг, Хоразмийнинг арвоҳлари шундадир,
Огаҳийнинг бедор, огоҳ нигоҳлари шундадир.

Сен ўзингсан булбулларга ҳаво бахш этган диёр,
Махтумқули Фироғийга наво бахш этган диёр.

Ажиниёз боболарнинг худди шеър, лапарлари
Мисол кетар келажакка темир йўл шпаллари.

Қолган гапни майли энди Бердах бобо айтсинлар,
Поезд миниб, Хевокларни бир сайр этиб қайтсинлар.

Асрлардай кечди халқим, нурсиз ою йилларинг,
Аваз ўтарларинг ўтди, ўтди Ибройимларинг.

Санъатингни бор оламга кўприк этмиш Ўзи ҳақ,
Эй, дунёга Комилжондай ҳофизларни берган халқ,

Ҳали бунга “чуғур-чуғур” сайёҳларинг келгайлар,
Яркираган вагонларда саболардай елгайлар.

Икки миллён йўловчининг қувончин тасаввур қил,
Тасаввур қил, сўнг бекатда ўлтириб тафаккур қил.

Бир кўприкким, карвонларинг давронларга қоришгай,
Тўрт миллёнли элнинг кўнгли бир офтобдай ёришгай.

Миллат отасининг ноҳос кўзларидида балққан ёш,
Бу минг йиллик армон эрур, бу бир асрлик бардош.

Қани шоир, замон юкин сен ҳам илдам орқала,
Замонангдан бир қадам ҳам қолма асло орқада.

Яқинроқдир қошу кўздан ўғил-қизнинг киприги,
Янги замон кўприги бу! Янги замон кўприги!

Ватан иғвогарларига менинг айтар гапим бор:
Бизда мақсад кўприкларин таянчлари устувор.

Ҳурмат учун отдан тушиб, таъзим айлаб кутарди,
Султон Жалолиддин бундан от етаклаб ўтарди.

Кўриб янги биноларин Янги замон меъморин,
Не деб ривоят сўйларди Исломхўжа минори?

Ўйламангким, манзилларга қурилган кўприқдир бу,
Кўнгиллардан кўнгилларга қурилган кўприқдир бу.

Кеча-кундуз тиним билмас зўр шиддат, гулдуроси,
Бедор бўл дер, бедор бўл дер, бедор замон дарёси.

Инсон умри гарчи бир хас, мисоли бир киприқдир,
Бир авлодни минг авлодга боғлагувчи кўприқдир.

Сиз ҳам Замон Меъморидай меъмор бўлинг, элдошлар,
Бедор бўлинг, бедор бўлинг, бедор бўлинг, элдошлар!

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

РЕЙТИНГ ВА МАХСУС ДАСТУР

ТАДБИРКОРГА ЕНГИЛЛИК ВА ҚУЛАЙЛИК БЕРАДИ

Хабарингиз бор, шу йилнинг 1 февралидан эътиборан мамлакатимизда тадбиркорларнинг барқарорлик рейтингини юритила бошланди. Келгусида катта самара келтириши кутилаётган маскур рейтингдан ким кўпроқ манфаатдор: тадбиркорми, солиқ идорасими ёки аҳоли? Куйида шулар хусусида фикр юритамиз.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

— Президентимиз бунинг аҳамияти ҳақида тадбиркорлар билан очик мулоқотда айтган эди, — дейди пойтахтимизнинг Олмазор туманида фаолият кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркор Эргаш Чориев. — Шундан сўнг маскур рейтингнинг мезонлари ва тартиб-тамойиллари ишлаб чиқилди. Унга кўра, тадбиркорлар фаолият даври, рентабельлик даражаси, тўлов интизоми, аҳоли бандлигидаги ўрни, иш ҳақи каби мезонлар асосида тоифаларга ажратилди. Улар солиқ, адлия ва суд органлари маълумотлари асосида шаклланади. Ҳар бир тадбиркор ўз ўрни ва баҳосини реал вақтда билиб бориши мумкин бўлади.

Кўрсаткичи паст бўлган тадбиркорлар интизомли ишлаётганлар сафига кириш ва кўпроқ имкониятга эга бўлиш учун ҳаракат қилади. Адолатли рейтинг шубҳали шартномалар ва сунъий рақобатга чек қўяди, “сояда”ги фирмалар очик ишлашга ўтади.

Шу жиҳатдан давлатимиз раҳбарининг жорий йил 23 январдаги “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган семинар-тренингда Солиқ қўмитаси раиси Шерзод Кудбиевнинг ушбу фикрлари эътиборни тортади:

— Тадбиркор бирор талабга жавоб бермаса ёки муайян шартларни бажармаса, унга нисбатан жазо чоралари қўлланилади. Энди дунёқарашимизни ўзгартириш йўлидаги биринчи қадам барқарорлик рейтингини жорий этиш ва тадбиркорларни рағбатлантиришдан иборат бўлади.



кўпроқни ташкил қилган тадбиркорлик субъектларига 5 баллдан 10 баллгача қўшимча рағбатлантирувчи балл берилади. Тўртта ҳолатда эса, тадбиркор 45 балл йиғиши мумкин. Агар ҳодимлар сони ўтган ҳисобот даврига нисбатан (ойлиги энг кам иш ҳақидан кўп бўлиши талаби билан) 10 фойизга ортиб, 20 фойизга кўпайса 4 балл билан баҳоланади. Ҳодимлар сони 50 фойиз ва ундан юқори кўрсаткичга ортиб, корхонага 15 балл берилади. Шу билан бирга, ҚҚС бир ойлик солиқ суммасининг ўртача миқдоридан 10 фойиз ошиқ тўланса, 10 балл билан баҳоланади. Худди шу тамойил айланимдан олинадиган солиқлар учун ҳам белгиланган. Яна бир муҳим жиҳати, тадбиркорлик субъектларининг рейтингини қўйи тоифага тушиб қолса ҳам унга нисбатан жазо чораси қўлланилмайди.

Тадбиркорнинг қандайдир камчиликлари бўлиб, паст балл олса, дастур нима сабабдан бундай балл олгани ва камчиликлар қандай бартараф этилишини кўрсатиб туради. Бу

Бу мақсадга қандай эришиш мумкин? Йиғилишда ушбу масала устида муҳокама кетар экан, шундай рақам ва далилларга эътибор қаратилганди. Охири беш йилда юртимизда тадбиркорлар сони 285 мингдан 590 мингга кўпайди. Бу — битта туманда 2,5 мингдан ортиқ ёки бир маҳаллада 50 нафардан тадбиркорлар синфи шаклланди, дегани. Агар давлат бу тадбиркорлар билан манфаатли ҳамкорлик қилиб, уларни қўллаб-қувватласа, жойларда бандликни ҳал қилиш имконияти ортади.

Масалан, аҳолини касб-хунарга ўқитиш учун ҳар йили давлат томонидан 200 миллиард сўм ажратилапти. Лекин бу маблағлар тадбиркор билан боғланмаган. Худди шундай, тадбиркор ҳам йилига катта харажат қилиб, ўзи учун мутахассис тайёрлашга мажбур. Лекин бунда давлат қўллаб-қувватлов йўқ.

— Бунинг бирдан-бир тўғри ечими — тадбиркорга шароит яратиш, улар билан

“Аҳолини касб-хунарга ўқитиш учун ҳар йили давлат томонидан 200 миллиард сўм ажратилапти. Лекин бу маблағлар тадбиркор билан боғланмаган. Худди шундай, тадбиркор ҳам йилига катта харажат қилиб, ўзи учун мутахассис тайёрлашга мажбур. Лекин бунда давлат қўллаб-қувватлови йўқ.”

шаффоф рейтинг бўлиб, тадбиркор ўзи ва контрагенти рейтингда қанча балл тўплагани ва нима учун шу баллни олганини кўриб туради. У ҳисобот берганда ёки тўлов қилганда баллари ўзгариб боради ва бу жараён онлайн тарзда кечеди.

Энди юқорида ургу берилган саволга келсак. Рейтинг, деганда бирор бир соҳа ёки фаолиятни назорат қилиш ва баҳолаш тушунилишини инобатга оладиган бўлсак, бундан, аввало, шу соҳа вакиллари, кейин бошқалар наф қўриши керак. Қолаверса, ҳозир аксарият мутахассислар бераётган баҳога кўра, ушбу тизим тадбиркор учун ўзига хос ойна, камчиликларни кўриб, уларни бартараф этиш учун катта имконият ҳамдир. Камчиликларсиз, ҳалол ишлайдиган ишбилармон эса жамиятга, иқтисодиётга кўпроқ фойда келтиради.

Бандлик ҳамкорликка
боғлиқ

Ўтган йилнинг 15 май кунин Президентимиз расилгида бўлиб ўтган камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилишида “20 мингта яқин йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиши қилиб, қарийб 2,5 минг киши ҳалок бўлган, 9230 одам тан жароҳати олган. 2022 йилда эса 10 мингта яқин йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиши оқибатида 2356 киши ҳалок бўлган ва 9606 одам тан жароҳати олган.

2023 йилнинг 11 ойида юз берган 8693 йўл-транспорт ҳодисасида 2080 киши ҳаётдан кўз юмган ва 8055 йўловчи тан жароҳати олган.

Булар оддий рақамлар эмас, қондани менсмай, ўпқасини қўлтиқлаганча тезликни меъеридан ошириб ҳаракатланганлар қилмиши оқибати. Бунинг ортидан кимнингдир вояга етмаган фарзанди ҳаётдан кўз юмган.

манфаатли ҳамкорлик қилиш. Шу орқали ҳам бандликни таъминлаймиз, ҳам малакали мутахассис тайёрлаймиз, — деган эди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 12 июндаги “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 7 июлдаги “20 мингта тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан уни амалга оширишнинг мақсад ва вазифалари, масъуллали белгилан берилди.

Ушбу ҳужжатларга асосан, 2023-2024 йилларда жами 1 миллиард доллар миқдоридан кредит линияси очилади. Дастурга киритилган тадбиркорлар лойиҳаларини (молия соҳасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар бундан мустасно) амалга ошириш учун 7 йилгача муддатга 14 фойиз ставкада рўйхатта мувофиқ миқдорларда ажратилган. Тадбиркорнинг “амалий мономарказ” ташкил қилиш ва жиҳозлаш ҳамда касбга ўқитиш харажатлари тўлиқ қопланади.

Дастурда иштирок этадиган тадбиркорлар учун “20 мингта тадбиркор — 500 минг малакали ишчи” деган платформа (дастур) яратилди. Унга 2 йил давомида фаолият юритиб



келаётган ва давлат улушига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларига аъзо бўла олади. Мезонларга тўғри келган тадбиркорнинг аризаси қабул қилинади. Ариза иловасида қайси муддатда нечта иш ўрни яратиши борасида маълумот бўлиши зарур. Ушбу графика биноан, худуддаги ҳоким ёрдамчиси бевосита жойига чиқиб лойиҳани ўрганади. Ўрганиш натижалари асосида ҳулоса берилади. Ижобий ҳулоса олган тадбиркор ва туман ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳамда ҳоким томонидан шартнома имзоланади.

Шунингдек, фармон ва қарорда солиқ, божхона маъмуричилигига бунд енгилликлар назарда тутилган. Хусусан, доир тадбиркорлар фаолиятида солиқ текширувлари ўтказилмайди. Уларга қўшилган қиймат солиғи ҳамда ортиқча тўланган солиқлар текширувсиз қайтариб берилади. Камбағал оила аъзоси ҳам даромад солиғидан озод қилинади. Божхона расмийлаштирувида “яшил йўлак” тартиби қўлланилади.

Дастурга кирган тадбиркорлар инфратузилма, ер ва бино-иншоотлар билан таъминлашда қўшимча енгилликларга эга бўлади. Масалан, ер ва бино-иншоотларни хусусийлаштиришда бўлиб тўлаш имконияти яратилади. Қийматли 50 миллиард сўмдан юқори лойиҳалар бўйича инфратузилма харажатлари тўлиқ қопланади.

Ишбилармонларимиз учун ана шундай қўшимча енгиллик ва қулай имкониятлар назарда тутилган дастур ижроси қандай таъминланишига

қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қўриб чиқилди.

— Аслида, янги қонун асосида Солиқ кодексига киритилаётган тадбиркорлик субъектларига улар яратган янги иш ўринлари сонига қараб тегишли солиқларни муайян муддатларда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилиши, шунингдек, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва улардан олинадиган ер солиғи пасайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўланишини назарда тутувчи қўшимчалар Президентимиз, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармон ва қарорларида ўз ифодасини топган, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев. — Эндилкида сенаторлар маъқуллаган ҳуқуқий нормалар билан улар қонуний мақомга эга бўляпти. Хусусан, кодексда кўзда тутилган қўшилган қиймат, фойда солиғи ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари, барча солиқларни улар яратган янги иш ўринлари сонига қараб бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти бериломқда. Жумладан, 51 тадан 100 тагача янги иш ўрни яратилганда уч ойгача, 101 тадан 200 тагача янги иш ўрни яратилганда олти ойгача, 200 тадан ортиқ янги иш ўрни яратилганда бир йил давомида бўлиб тўлаши мумкин.

Қонун билан “20 мингта тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури доирасида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган фуқароларни ишга қабул қилган ва улар жами ишчилар сонининг камида 20 фойзини ташкил этган юридик шахсларга мол-мулк солиғи ва ер солиғидан имтиёз бериломқда. Корхона ишга қабул қилинган “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган фуқароларга камида 1 йил давомида ҳар ой меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган иш ҳақини тўлаб, бандлигини таъминлаши керак.

Сенаторларимиз томонидан маъқулланган ушбу қонун аҳоли бандлиги ўсишига, камбағалликни қисқартиришга ҳамда кам таъминланганларни ишга қабул қилишда тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади. Соҳа вакиллариға берилаётган бу каби енгиллик ва қулайликлар иқтисодиётимизга муносиб наф келтириши аниқ.

Мулоҳаза

НЕГА КЕЧИКТИРИЛЯПТИ?

Йўл ҳаракати қоидабузарлигини жарима баллари асосида баҳолаш тартиби ҳали ҳам амалга киритилмади

Киноларда, урушларда минглаб одамларнинг ҳаётдан кўз юмганини кўрганмиз ёки эшитганмиз. Бугун биз уруш даврида эмас, тинч замонда яшаймиз, бирок йўлларда юз бераётган ўлимлар сони урушдагидан унчалик кам эмас. Ҳатто урушлардаги статистикани ҳам ортда қолдирмоқда. Бирдан ҳаёлингизга автоҳалокат келдими? Ҳа, англаганингиздек, тинч замонимизда автоҳалокатлар одамларнинг бевақт ўлимига сабаб бўляпти. Статистик маълумотларга кўра, бу каби ҳолатлар туфайли мамлакатимизда йилга камида 6-7 минг киши ҳаётдан кўз юммоқда.

Ижтимоий тармоқларни кузатар экансиз, автофалокатлар ҳақидаги хабарлар тинмай айланаверади. Авваллари авария ҳақида эшитсак, этимиз жунжиқарди. Ҳозир автоҳалокатлар ҳар кунин бўлаётганидан, улар акс этган лавҳаларни кўраверганимиздан дийдамиз ҳам қотиб кетяпти. Бундай ҳодисаларнинг олдини олиш учун ҳар кунин ҳайдовчилар иштирокида профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Белгиланган тезликка ва қонун-қоидаларга амал қилиб ҳаракатланиш бўйича оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинапти. Аммо натижа сезиларли эмас, кўрсаткич кўпайса кўпайяпти, зинҳор қайтама.

Ҳар кунин 3,5 минг қурбон

БМТ маълумотларига кўра, йўл-транспорт ҳодисаси (ИТХ) туфайли Ер юзи бўйлаб ҳар 24 сонияда бир нафар, ҳар кунин 3,5 минг одам қурбон бўлади. Бир йилда 1,3 миллион

ва ундан ҳам кўп одам йўлдаги бахтсиз ҳодисалар туфайли вафот этади. Уларнинг асосий қисмини 5 ёшдан 29 ёшгача бўлганлар ташкил этиши эса янада аянчлидир.

Юртимизда ҳам ҳолат анча ташвишланарли. Яқин уч йилликка доир рақамларга қарасак, ҳолат қафсидек аён бўлади: 2021 йилда 10 мингдан ортиқ йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, қарийб 2,5 минг киши ҳалок бўлган, 9230 одам тан жароҳати олган.

2022 йилда эса 10 мингта яқин йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиши оқибатида 2356 киши ҳалок бўлган ва 9606 одам тан жароҳати олган.

2023 йилнинг 11 ойида юз берган 8693 йўл-транспорт ҳодисасида 2080 киши ҳаётдан кўз юмган ва 8055 йўловчи тан жароҳати олган.

Булар оддий рақамлар эмас, қондани менсмай, ўпқасини қўлтиқлаганча тезликни меъеридан ошириб ҳаракатланганлар қилмиши оқибати. Бунинг ортидан кимнингдир вояга етмаган фарзанди ҳаётдан кўз юмган.



Яна кимнингдир отаси ё онаси нонга чиқиб, тирик қайтмаган. Тирик қайтган бўлса ҳам бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолган. Улар энди аввалгидек ҳаракат қилолмайди. Бошқалардек ҳаётдан завқ ололмайди...

Ширакайфлик фожиаси

Маст ҳолда транспорт бошқариш туфайли 2020-2023 йилларда қарийб 500 га яқин йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Бунинг оқибатида 271 фуқаро ҳалок бўлган. Ўтган йилнинг ўзида ширакайф машина

бошқариш билан боғлиқ салкам 42 минг ҳуқуқбузарлик аниқланган. Ачинарлиси, 2023 йилда қарийб 6 минг ҳайдовчи маст ҳолда транспорт бошқарганидан учун маъмурий жавобгарликка тортилгандан сўнг ҳам такроран шу ишни қилган.

Қизғини, 2022 йилда маст ҳолда машина ҳайдаганларни 5 йилга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилишни кўзда тутган қарор лойиҳаси ишлаб чиқилаётгани ҳақида хабарлар тарқалганди. Бу лойиҳа ҳали-ҳамон ишлаб чиқилмоқда. Амалиётта таъбиқ қилиниши бўйича кўзга кўринарли иш

сезилмаяпти. Маст ҳолда такрор автомобиль бошқариш ҳолати эса кўпайиб бормоқда.

Ўтган йили Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилганди. Унда қоидабузарлик содир этганлик учун жарима баллари ҳисоблаш тизимини жорий этиш ва бир йил давомида ўн икки баллдан ошган ҳолда охириги содир этилган ҳуқуқбузарликка қўшимча жазо тариқасида ҳайдовчини транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартибини йўлга қўйиш тақлиф қилинган. Лойиҳа депутатлар томонидан қабул қилинган. Бироқ ҳанузгача ақуний босқичга етказилмади.

Шу ўринда савол туғилди: ушбу нормаларни амалиётга татбиқ этиш жараёни нега кечикапти? Ҳолбуки, автоҳалокатлар кўпайиб бормоқда.

— Қонун ва қарор қабул қилиш бир ёки икки ойда ҳал бўладиган масала эмас, — дейди Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси маъбуот котиби Азизхон Муродов. — Қабул қилинадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, аввало, яхшилаб ўрганилади, сўнг тегишли қонунчилик қўшимча ҳақ тўлаш тартиби жорий этилиши қилишга асосланган. Аммо иккинчи марта ҳам бу масала ортга сурилмоқда.

Ўйлантирадиган яна бир ҳолат мавжуд: йўлларда ҳар кунин ўнлаб одам ҳалок бўлаётган бир вақтда йўл-транспорт ҳодисаларига қарши чораларнинг амалиётга қўйилиши йўллардаги йўллар сарфланмоқда. Қўрилаётган чоралар ҳам кутилаётган натижани бераётгани йўқ. Шундай экан, самараси ноаниқ лойиҳаларни ишлаб чиққандан кўра, натижадорлиги юқори қарорлар қабул қилиш ва кескин чоралар қўриш зарур эмасми? Йўқса, статистика бундан огир саволларни олдимизга қўвереди.

Бир ҳайдовчининг 100 дан
зиёд қоидабузарлиги

2023 йилда фақат фото ва видеоқурилмалар ёрдамида қарийб 13 миллионга яқин йўл ҳаракати қоидабузарлиги аниқланган. Уларнинг 3 миллион 350 мингтаси битта транспорт воситаси ҳайдовчиси томонидан 4 тагача, қарийб 3 миллионга яқини эса

5 тадан 10 тагача, 1 миллион 700 мингтаси 11 тадан 20 тагача, 187 мингтаси 31 тадан 40 тагача, 87 мингтаси 51 тадан 100 тагача, эътибор беринг, 18 мингтаси 100 тадан кўп йўл ҳаракати қоидабузарлигини содир этиш туфайли юзгага келган.

Йўл ҳаракати қоидабузарликларини жарима баллари асосида баҳолаш тизимини жорий этиш ҳақидаги гаплар 2019 йилда пайдо бўлганди. Ўша йилнинг май ойида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати қоидабузарликлари жарима баллари асосида баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси жойлаштирилган. Қарор лойиҳасида 2020 йил 1 январдан бошлаб йўл ҳаракати қоидабузарликлари жарима баллари асосида баҳолаш тартиби жорий этилиши қилишга асосланган. Аммо иккинчи марта ҳам бу масала ортга сурилмоқда.

Ўйлантирадиган яна бир ҳолат мавжуд: йўлларда ҳар кунин ўнлаб одам ҳалок бўлаётган бир вақтда йўл-транспорт ҳодисаларига қарши чораларнинг амалиётга қўйилиши йўллардаги йўллар сарфланмоқда. Қўрилаётган чоралар ҳам кутилаётган натижани бераётгани йўқ. Шундай экан, самараси ноаниқ лойиҳаларни ишлаб чиққандан кўра, натижадорлиги юқори қарорлар қабул қилиш ва кескин чоралар қўриш зарур эмасми? Йўқса, статистика бундан огир саволларни олдимизга қўвереди.

Мансурбек ЖАББОРОВ,
ЎзЖОКУ талабаси

Бугуннинг гапи

Йиллик ЗАҲМАТЛАР ОРТИДАН АСРЛАР ФАРОВОНЛИГИ КЕЛАДИ



Баҳодир МАЪМУРОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор

Шу йил 5 февраль куни ижтимоий соҳалардаги устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан ўтказилган видеоселекторда ҳам таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, малакали мутахассислар тайёрлаш, техникум ва олий ўқув юртлири битирувчилари баъдчилигини таъминлаш, илм-фан ва инновация соҳаларини ривожлантириш борасида олий таълим муассасалари олдига қатор вазифалар қўйилди. Ҳар бир соҳага доир муаммолар билан бирга уларнинг ечими бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Йилгиликта мактабгача, мактаб таълими ва олий таълим билан ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳам-корликни мустаҳкамлаш малакали ва юқори салоҳиятли, рақобатбардош мутахассислар тайёрлашнинг энг муҳим омилли экани таъкидланди. Чунки фан-технологиянинг илгор ютуқларини эгаллаган кадрларни етиштирмай туриб, мамлакат тараққиётига эришиб бўлмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги қарори билан тасдиқланган Профессинал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга кўра, ривожланган мамлакатларнинг таълим тизими ўрганилиб, талабалар учун замонавий технологиялар ва дастхотлар ёрдамида ўқиш билан бир пайтда корхона ва ташкилотларда ишлаш имкониятини берувчи дуал таълим шакли жорий этилган эди. Йилгиликта мазкур соҳага онд вазифалар ҳам белгиланиб, унга кўра, коллеж-техникумларнинг 50 минг ўқувчисини дуал таълим билан қамраб олиш бўйича топшириқлар берилди. Бу ишлар, аввало, тўқимачилик, қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, электрон техника саноати, машинасозлик йўналишларида татбиқ қилиниши зарурлиги таъкидланди. Зотан, ёшлар мактаб давридаёқ, ҳеч бўлмаса, битта ҳунарни эгаллаб, катта ҳаётга қадам қўйса, йўлини топиши осон кечади. Аслида, бу фикрлар қон-қонимизга сингиб кетган қадриятдир. Халқимиз бунини оддийгина қилиб “Бир йилгитта қирқ ҳунар оз”, деган мақол магзига сингдириб юборган.

Давлатимиз раҳбарининг “Илм-фанда “харажат — тадқиқот — маҳсулот” формуласи ишламаяпти”, деган танқидий фикри таълим тизимида фаолият юритаётган ҳар қандай мутахассисни жиддий ўйлантириши шубҳасиз. Чунки таълим соҳасидаги ислохотларнинг ўзаги инсон ва унинг манфаатига қаратилган. Сифатли таълимни ташкил қилиш эса тараққиёт пойдеворидир.

Нуқтаи назар

Мамлакатимизда ислохотларнинг янги босқичи ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мураккаб ташқи ва ички муҳит таъсири остида, рақобатнинг кучайиши ва янги стратегик таҳдидларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли юқори шароитда рўй бермоқда. Бу, аввало, геосиёсий рақобат кучайиши, жаҳон бозорида талаб ва нарх-навонинг барқарор эмаслиги, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда инновациялар аҳамиятининг ошишида намоён бўлмоқда. Бундай паллада кадрлар тайёрлаш самарадорлигига эришмасдан туриб, мамлакатнинг жаҳон бозоридаги турли товарлар ҳамда хизматлар сифати ва нархи бўйича рақобатдошлиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

ИҚТИСОДЧИ-СТРАТЕГ КАДРЛАР КЕРАК шунчаки битирувчилар эмас

Абдувахоб УМАРОВ,
Авазбек СОДИҚОВ,
ЎЗМУ профессорлари,
иқтисодиёт фанлари докторлари

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 7 февралдаги “Иқтисодиёт соҳалари учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этади. У мамлакатимиздаги барча ОТМлар олдига юқори малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасида ўзига хос ёндашувларни қўлаш, иختисосликларнинг бозорга мослашувчанлигига эътибор бериш, таълим муассасаларини замонавий моддий-техник воситалар билан таъминлаш, ўқув жараёнига илгор педагогик усуллари татбиқ этиш вазифаларини қўяди.

Юқорида таъкидланган хавф-хатарларнинг келгусида ортб бориши ҳамда янги стратегик таҳдидлар пайдо бўлиш эҳтимоли сақланиб қолмоқда. Бу, ўз навбатида, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар қўриш, иқтисодий ўсишнинг янги, асосан, инновацион омилларига ўттиши тақозо этмоқда. Айни пайтда инсон капитали сифатини юксалтириш иқтисодий ўсиш, аҳоли даромадини ошириш, камбағалликни камайтиришнинг асосий омиллига айланиб бормоқда.

Жаҳон иқтисодиётида глобал муаммолар кучайиб бораётган ҳозирги шароитда мамлакатимиз ҳудудларини ўрта ва узоқ муддатли барқарор ривожлантириш стратегиялари ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этади. Зеро, бугунги таркибий ислохотлар самарадорлигини ошириш, янги ўсиш манбаларини ишга солиш орқалигига барқарор иқтисодий ўсишнинг таъминлаш мумкин. Хорижий давлатлар тажрибасидан маълумки, мавжуд ва стратегик таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда мамлакат ва алоҳида ҳудудлар учун ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш иқтисодиётнинг тартибга солишда қўлланаётган самарали усуллардан.

Ўзбекистоннинг янги ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириш бўйича муайян ишлар қилинди ва бунда ҳудудларни равақ топтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ривожланиш стратегияларидаги асосий эътибор инсон капитали масаласига қаратилмоқда. Зеро, замонавий иқтисодиётда мамлакат тараққиёти кишиларнинг жисмоний меҳнати, ер ости бойликлари ва бошқа ресурсларга эмас, энг аввало, инсонлар ақл-заковатига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Энди инсон капиталини ривожлантириш масаласи устувор аҳамият касб этапти. Мамлакатлар, ҳудудлар ва корхоналар бўлиб инсон омилли етакчи роль ўйнайди. Бу эса таълим сифати масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини аналтади.

Бу муаммони ҳал этиш мақсадида асосий эътибор таълим тизимидаги қамров даражаси анча паст бўлган мактабгача ва олий таълим бўғинларида қаратилди. Натижада мактабгача таълим қамрови 72 фоизга етказилди.

Зилди. Олий таълим муассасаларининг умумий сони 2,5 баробар, талабалар сони эса 3 баробардан кўпроқ ошди. Ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини олий таълим муассасаларига қамраб олиш даражаси 38 фоизни ташкил этди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ, 3-7 ёшли болаларни мактабгача таълим ташкилотларига тўлиқ қамраб олиш, ёшларнинг ОТМларга қамровини ривожланган давлатлар даражасига етказиш кўзда тутилган.

Инсон ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳар бир давлатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий масалаларидан саналади. Унинг долзарблиги инновацион иқтисодиётни шакллантириш, инсон омилли марказий ўрин тутган шароитда янада ошди. Бу аҳолининг сифат хусусиятларини ўзгартариш, янги турдаги кадрлар тайёрлашни талаб этади. Бошқарув тизимининг барча даражасида, илмий-тадқиқот ва таҳлилий марказларда давлат, тармоқ ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциялари, стратегия ва дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқариш механизмларини қўллаш оладиган кадрлар етиштиришга яққол сезилиб қолди.

Мамлакатимизда давлат, маҳаллий ва ҳўжалик бошқаруви тизимида жараёнларни чуқур таҳлил қилдиган, мавжуд муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини объектив баҳолай оладиган, келгусида рўй бериши мумкин бўлган таҳдидларнинг олдини олиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияларини



прогноз қилишнинг замонавий иқтисодий-математик усулларини кенг қўллаш биладиган, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда стратегик фикрлайдиган кадрларга талаб ортб бормоқда.

Илм-фан одимлари

ЁҒОЧ БИНОЛАРНИНГ УМРИ УЗАЯДИ

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛИНИ ЁНҒИН ВА ЗАРАРКУНАНДАДАН ҲИМОЯЛАШ УСУЛИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Яқинда мамлакатимиз илм-фани учун катта янгиликка қўл урилди. Ёғоч қурилиш материалларини ёнғин ва зараркунандалардан ҳимоялайдиган олигомер антипирен-антисептик олиш усули ишлаб чиқилди. Мазкур технология муаллифларидан бири — техника фанлари бўйича фалсафа доктори Азиза Холбоева.

Шаҳло ҒАФҒОРОВА,
техника фанлари бўйича
фалсафа доктори

Бугун ёғоч бино ва иншоотлар қуриш учун зарур бўлган қимматли комплекс хоссаларга эга, ноёб табиий материаллар сирасига қиради. Улар асосидаги ноёб объектиларни ёнғин ҳамда зараркунандалар таъсиридан ҳимоя қилиш зарурати ошиб бормоқда.

Ёғоч қурилиш материалларининг ёнғинга бардошлилиги ва зарарли ҳашаротларга нисбатан биологик самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу материалларга махсус анти-

пирен-антисептик билан ишлов бериш орқали бино ва иншоотларни ҳимоялаш мумкин. Жаҳонда таркибида азот ва олтингугурт бўлган олигомер антипирен-антисептик олиш, ёғоч қурилиш материалларига чуқур шимдириш орқали ёнғинга бардошли ҳамда биологик самарадор материаллар ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Бу борада таркибида азот ва олтингугурт бўлган полисульфидлар, дисульфидлар ва бошқа олтингугуртли олигомер аддуктлар олиш, уларнинг ёғоч материаллари ёнғинга бардошлилиги ва боисамарадорлигини ошириш хоссаларини аниқлаш, олигомер антипирен-антисептикларнинг физикавий-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш, уларни олиш тех-

нологиясини такомиллаштириш, қўлланиш усулини соддалаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ёш оlima, Термиз давлат университети докторанти Азиза Холбоева ишлаб чиққан усул ёғочдан тайёрланган қурилиш материалларини ёнғин ва зараркунандалардан ҳимоялашда ишлатиладиган антипирен-антисептик ишлаб чиқаришга асосланади. Мазкур лойиҳанинг аҳамияти шундаки, **биринчидан**, бугун мамлакатимизга импорт қилинаётган антипирен ҳамда антисептиклар ўрнини босадиган янги, арзон маҳсулотни маҳаллий ҳомашлардан ишлаб чиқариш имкони яратилди.

Иккинчидан, ишлаб чиқарилган антипирен-антисептиклар билан ишлов бериш ёрдамида ёғоч қурилиш материалларининг ёнғин ва зараркунанда ҳашаротлар таъсирига чидамлилиги юқори даражага кўтарилади. Учинчидан, биололарнинг ёнғинга чидамлилиги орттиши билан одамлар саломатлигига хавф туғдирадиган омиллардан бирига ечим топилади. Тўртинчидан, термитлар биололарга зарар етказишининг олдини олиш орқали

иншоотларнинг узоқ йиллар хизмат қилишига эришилади.

Мазкур илмий янгилик катта машаққат, изланиш ва меҳнат самараси ўлароқ, таркибида

азот, олтингугурт бўлган PO-1, PO-2, DGT-1, DGT-2 ва DGT-3 маркали олигомерлар олинди. Уларни олиш жараёнининг мақбул шароитлари аниқланди. Олигомерларни ёғоч қурилиш



материалларини ёнғин ва зараркунандалардан ҳимоялашда чуқур шимдириш ёрдамида қўлаш усули таклиф қилинди. Мазкур маркали олигомер антипирен-антисептиклар билан ишлов берилган ёғоч қурилиш материаллари ёнғинга бардошлилиги бўйича I гуруҳга киритилди ҳамда DGT-2, DGT-3 олигомерлар ёғоч қурилиш материалларини зараркунандалардан ҳимоялаш самарадорлиги 90 фоиз бўлган антипирен-антисептиклар сифатида тасвиф этилди.

Азиза Холбоева сингари олимлар эришаётган бундай натижалар мамлакатимизда таълим, илм-фан, хусусан, кимё фани ривожига қаратилётган эътибор, мазкур фани ўқитиш сифатини ошириш, таълим жараёнига замонавий ўқитиш услубларини жорий қилиш, иқтидорли ўқувчиларни саралаш, меҳнат бозорига рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш, илмий тадқиқот ва инновацияларни ривожлантириш ҳамда амалий натижадорликка йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани махсуслидир. Қолаверса, бундай ютуқлар замирида университетда яратилган илмий муҳит, илгор таълим стандартларининг жорий этилгани, ёш олимларнинг иxtиpочилик қобилиятини юзага чиқариш борасида яратилган шарт-шароитлар муважжас.

Маҳаллий ҳомашбадан янги синтез қилинган антипирен-антисептиклар учун Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Интеллектуал мулк маркази” давлат муассасаси томонидан иxtиpога иккита патент берилган. Олигомер антипирен-антисептиклар олиш технологияси “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖда амалиётга жорий этилди, шунингдек, ёғоч қурилиш конструкциялари ва объектиларда қўллашга тасвиф қилинди.

1 март ~ Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхоним таваллуд кўни

ОФТОБДАЙ НУР СОЧГАН

тар жималар

ёхуд янгиликка ташна юраклар инқилоби

Ўзбекистон Қахрамони, таниқли адабиётшунос ва таржимон Иброҳим Ғафуров “Таржимага асар танлаганда, бу асар ўзбек миллий маданияти учун қандай янгилик бўлади, деган принципдан келиб чиқаман. Менинг таржималарим ҳаммаси янгиликка ташна юрагимнинг инқилоби. Юрагимга шу инқилоб ҳаракат бағишлайди. Эртами, кечми, ўқувчилар юракларига ҳам бу маърифий инқилоб албатта кириб боради”, дея таъкидлайди.

Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхоним таржималари ўзи яшаган давр маърифати, маънавияти учун қанчалар ҳисса қўшди? Шоиранинг ўзига хос тили ва лугат бойлиги қайси манбалардан куч олди? Таниқли таржимон Бегойим ХОЛБЕКОВА билан суҳбатимиз ана шу саволлар атрофида кечди.

— Бегойим опа, Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева “Санъаткор таржимон” номи мақоласида: “Зулфия таржималарининг ўзи бир олам. Улар офтобдай нур сочиб туради. У ўзбек тилига ўтган таржималар туйғулар, эҳтиросларга йўғрилиб, худди асл нусха каби қиймат касб этади”, дейди. Келинг, суҳбатимиз аввалида шоиранинг беизбир таржимон ҳам бўлганлигига уруғ бериб ўтсак...

— Дарҳақиқат, Зулфияхоним жаҳон шеърини дурдоналаридан гўзал таржималарини амалга оширган. Уларнинг гўзаллиги шундаки, шоир ҳар бир халқ ижодкорининг ўзигагина хос бўлган услуб жиоларига мосини топа олганида ва энг муҳими, ҳар бир шеърий асар таржимасига катта иштиёқ, меҳр-муҳаббат билан ёндашганидадир.

— Шоира ижоди туркий адабиётлар кенексидида салмоқли ўрин эгаллайди. Шарқ мамлакатлари силсиласида унинг шеърлари 64 тилга таржима қилинган экан. Улар Зулфияхонимнинг шеърий фасоҳатини, нафосатини тўла ифодалаб бера олган, деб ўйлайсизми?

— Шоиранинг шеърларига нафақат Шарқ мамлакатлари ижодкорлари, балки рус халқининг етук шоирлари, таржимонлари кўп мартаба мурожаат қилган. Айрим шеърлари рус тили орқали Ғарб тилларига ҳам таржима қилинган. Лекин эътиборимни кўпроқ ўзига тортган жиҳат шуки, Зулфияхоним шеърларида мадҳ этилган муҳаббат, вафо, садоқат, динбат каби чин инсоний тўшунчалар нафақат Шарқ мамлакатлари таржимонлари, шунингдек, рус халқининг маънавий бойлигига катта ҳисса қўшган Н.Гребнев, С.Липкин, В.Державин каби таниқли ижодкорларнинг таржималарида юксак пафосларда қайта яратилган. Таржимонлар гарчи эркак ижодкор бўлсаларда, Зулфияхонимдек назокатли, зукко шоиранинг аёлларга хос нафис туйғуларини, қувончу қайғуларини, бутун қалб кечинмаларини ниҳоятда назокат билан илғай олган. Бу, албатта, таржимоннинг савқи табиийсига ўзига хос маҳоратидан дарак беради. Зулфияхонимнинг “Баҳор келди сени сўроқлаб” шеърининг Липкин амалга оширган таржимаси ҳам аслиятга ҳамоҳанглиги билан ёдимизга ўрнашиб қолган:

Живым дождем омыл миндаль,
В рассветном тычасе пришла весна.
Полетом птиц наполнил даль,
Тревожа нас, пришла весна.
О, как любви ты час ночной,
Когда зотое зацветает урюк,
И аромат земли сырой,
И почеч хлопающий звук!

Таржимон аслиятдаги айрим сўзларни тушириб қолдирган бўлса-да, лексин уларнинг маъносини ифодаладиган бошқа сўзлардан мохирона фойдаланган ва гўзал таржима асарини ярата олган. Ҳар бир халқнинг урф-одати, турмуш тарзи, анъаналари, маданияти, маънавияти, килим ва географик жойлашувидан келиб чиқиб, унинг қарашлари, муқоаса қилиши ва ўхшатишлари ҳам турлича бўлади. Мана шу “турчилик” таржимондан матнга бўлган муносабатда хушёрликни, изланувчанликни талаб этади.

— Сиз Зулфияхонимнинг шеърлари таржимони сифатида унинг ўзига хос лугати ва сўзларни қўллашдаги маҳоратига тўла гувоҳ бўлган ижодкорсиз. Таржима жараёнида бу нозиктаъб шоиранинг иборалари, ўхшатишлари ва қочиримларини хориж тилига ўғириш осон бўлмагандир...

— Зулфияхонимнинг шеърлари гарчи ҳамма учун тушунарли, соддадай туюлса-да, уларнинг аксарияти ўта таъсирчан руҳда ёзилган. Худди шундай поэтик таъсирчанликни таржимада қайта яратиш таржимондан ўзига хос ижодий изланувчанликни, ҳиссиётлар уйғунлигини, тажриба ва маҳоратни талаб этади.

2015 йил Зулфияхоним таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Ҳукуматимиз томонидан унинг шеърларини қардош ва хорижий тилларга таржима қилиш вазифаси берилди. Зулфияхоним асарларини инглиз тилига ўғириш Халқаро адабий алоқалар ва бадий таржима кенгаши томонидан менга топширилди. Бу маъсуллати вазифага киришайдан аввал шоира асарларини яна қайта-қайта ўрганиб чиқдим, кўпроқ барча халқларга таниш туйғулар тараннум этилган севги ва вафо, ҳижрон ва айрилиқ, шукроналик ва ватан ҳақидаги шеърларни таржима учун белгилаб олдим. Юқорида айтганимдай, Зулфияхоним шеърларидаги кучли экспрессивликни қардош бўлмаган, ўзбек тилидан тамомила йироқ бўлган инглиз тилида қайта ифодалашнинг ўзи мураккаб ижодий жараёни ўз ичига олган. Бор билим ва маҳоратимни ишга солишга, ҳар бир сўзга алоҳида ички интуиция билан ёндашиб, ижодий изланишима тўғри келган. Айрим, шоиранинг бирлик шаклда қўлланган асарлар сўзлари таржима тилида шу шаклда қўллansa, у аслиятдагидек эмоционалликни бера олмайдми. Мисол учун Зулфияхонимнинг:

Сени бирдан эконис кўрдим,
Жоним чиқди менинг-да,
Эс-хушимдан ажраб турдим,
Туйеум кетди сенинг-ла...

мисраларидаги “туйеум” сўзи инглиз шеъринидаги “emotions” дея фақат қўплик шаклида қўлланилгандагина поэтик эффект касб этади:

Suddenly, seeing you lifeless,
My heart stopped beating too.
As if acting as mindless,
Emotions have left with you.

Аслиятдаги “туйеум кетди сенинг-ла” деган мисранинг “emotions have left with you”

Туризм

Алишер ЭШТАЕВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бўстонлик туманидаги “Амирсой” тоғ дам олиш маскани ҳам ҳар фаслда саёхат қилиш мумкин бўлган туризм манзилгоҳи. Охириги уч йилда бу ерга 4 миллионга яқин сайёҳ келган.

Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга расмий ташир билан келган Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан ушбу дам олиш маскани тоғчанги трассасида самимий мулоқот қилиб, бир-галликда чанги учиб жараёнида спортчилар ва сайёҳлар учун яратилган шароитлар билан танишди, икки мамлакат ўртасидаги туризм алмашинувини кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди. Жаҳон даражасидаги ҳар мавсумга мос бундай мажмуалар кўпайиб бораётгани туризм ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганидан даллат.

Туризм мамлакат иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшадиган соҳа. Мамлакатимизда унинг турларини кўпайтириш, ташқи, ички ва зиёрат туризми, экологик, этнотуризм,

Тўрт фаслнинг ҳар бирида саёхат

Аллома шоир айтганидек, ҳар фаслнинг ўз хислати, ўз фазилати бор. Қумуш қишдан, зумрад баҳордан қолишмайди кузнинг зийнати. Дарҳақиқат, жаннатмонанд юртимизда ўз таровати билан кишини мафтун этадиган ҳар фаслда саёхат қилиш учун гўзал масканларимиз кўп. Бўстонлик, Паркент ва Зомин тоғларига қиш-ёзин ташир бўйриб, дилингни яйрайди. Диримизда тўрт фаслнинг ҳар бирида саёхат қилиш учун имкониятлар ҳам етарли, хориждан келаётган сайёҳлар қадим ва навкирон кентларимизни томоша қилиб, қадриятларимизга ҳурмати ошади, маънавияти бир қадар юксалиши шубҳасиз.

ишбилармонлик, спорт, гастрономик, тиббий, инклизив, таълим ва илмий туризмини ривожлантириш, туризм бозорига кенг жорий қилиш мақсадида салмоқли ишлар олиб борилмоқда, туризм инфратузилмаси билан шугулланаётганлар учун қўшимча имтиёзлар яратилмоқда.

Ўзбекистонга хорижлик туристларни кенг жалб қилиш, уларга зарур шарт-шароит яратиш, туризм объектларидан самарали фойдаланиш, соҳада янги иш ўринлари яратиш, шунингдек, туризм салоҳиятини хорижда манзилли тарғиб қилиш мақсадида жорий йил 12 январь кунин Президентимизнинг “Республикага хорижий туристлар оқимини кескин ошириш ҳамда ички туризмни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Шунингдек, “Хорижий давлатларда Ўзбекистон тарихи ва маданияти, ўзбек тили ва адабиётини ўрганишни кенг тарғиб қилиш орқали туристлар оқимини кўпайтириш ҳамда мамлакатимиз нуфузини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида тўсиқсиз туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва уни рағбатлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида экологик туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларда юртимизда туризмни иқтисодиёт драйверига айлантириш бўйича вазифалар белгиланган.

2023 йилда хориждан 7 миллион сайёҳ ташир бўйрган ва уларнинг ўртача қолиш

кунин 4-5 кунини ташкил этган. Бунда “Ўзбекистон бўйлаб саёхат қил”, “Ёшлар туризм ҳафталиги” ва “Тўсиқсиз туризм” дастурлари ишлаб чиқилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Тўсиқсиз туризм” дастури ногиронлиги бўлган сайёҳлар учун қўлай инфратузилма яратиш мақсадида ишлаб чиқилган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев расмийда 20 февраль

кунин ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Тўсиқсиз туризм” дастури хусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

Мутасаддиларга маданий мерос, музей ва концерт томоша объектида ногиронлиги бўлган одамларга қўлай шароитлар яратиш, меҳмонхоналардаги ўринларини ногиронлиги борларга мослаштириш топширилди. Ногиронлиги бор сайёҳлар учун транспорт, меҳмонхона, маданият объекти ва зиёратгоҳларга ҳафалик ва ойлик махсус чегирмалар бериш графигини тасдиқлаш вазифалари белгиланди.

Жиззах шаҳар темир йўл вокзалидан Арнасай, Бахмал, Зомин ва Фориш туманларига автобус ва микроавтобуслар қатновин йўлга қўйилди ва “Зомин” туристик-рекреацион зонаси худудида узунлиги 2640 метрлик замонвий дор йўли фойдаланишига топширилди.

Худудларда маҳаллий ҳамда халқаро даражадаги туризм тадбирлари ташкил қилинди.

Жумладан, Шахрисабзда “Ethno and modern fashion week” халқаро фестивали ўтказилди. Наманганда “62-халқаро гуллар” фестивалининг муддати 10 кундан 1 ойга узайтирилди ва бунинг натижасида тадбирга 1,6 миллион сайёҳ ташир бўйрди.

“Зомин”, “Чимён” ва “Амирсой” каби курорт зоналар ҳамда кўнгилочар мажмуаларда халқаро брендлар, миллий илап матолари, сувенир, заргарлик маҳсулотлари ва олтин қўймалар дўконлари фаолияти йўлга қўйилди.

Жорий йилдан бошлаб “Ўзбекистонда яна бир кун саёхат” дастурига кўра, вилоятларда туризм объектиларини ўзаро боғловчи “Республика туризм ҳалқалари” ҳамда туман ва шаҳарлар ўртасида “Худудий туризм ҳалқалари” ташкил этилди.

Туризм қўмитаси томонидан сайёҳлик йўналишларининг ягона реестри юритилди. “Тўрт фаслнинг ҳар бирида саёхат” дастури амалга оширилди. Масалан, баҳор ва куз фаслларида экологик, экстремал, тиббий ва соғломлаштириш, ёзда сув ҳавзалари ва оромгоҳлар, қишда экстремал туризм ва тоғ-чанги зоналарининг имконияти тарғиб қилинади. Мазкур туризм мавсумлари очилиши олдидан фестиваллар уюштирилди.

Юртимиз туризм салоҳияти хорижда ҳам кенг тарғиб этилаётгани хусусида гап борганда, 26 февраль кунин БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон ташаббуси билан илгари сурилган “2027 йил — Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили” резолюцияси бир овоздан маъқулланганини эътироф этиш жоиз.

Резолюцияда барқарор туризмни, жумладан, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, иқтисодий ўсish, тўлиқ бандликни таъминлаш, қишлоқ худудларининг ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитларини яхшилашга хизмат қилувчи экотуризмни ривожлантириш муҳимлиги келтириб ўтилди.

Туризмни тарғиб қилиш борасида дунёнинг қатор телекомпаниялари, ижтимоий тармоқлар билан ҳамкорлик ишлари олиб бориляпти.

Сингапурдаги халқаро “Crescent Rating” ташкилоти Хива шаҳрини 2023 йилда “Йилнинг ислом мероси манзили” (Islamic heritage destination of the year) деб эълон қилди. Саудия Арабистонининг оммабоп “Садо” газетаси сайтида 2017 йилда республикага ҳар бир чет эллик сайёҳ ўртача 197 доллар сарфлагани, бу кўрсаткич 2023 йилда 400 долларга етгани, ўтган йилнинг 9 ойи давомида туризм соҳасидан олинган даромад 1,72 миллиард долларни ташкил этгани, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти томонидан эълон қилинган туризм соҳаси энг тез ривожланаётган 20 та давлат рўйхатида Ўзбекистон тўртинчи ўринда қайд этилгани келтириб ўтилган.

Буёқ Британиянинг етакчи медиа компанияси — BBC ўз сайтида Самарқандни Марказий Осиёнинг “янги жавоҳири” деб эътироф этди. Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар тилларида юритилувчи “Табаррук зиёрат” платформаси ишга туширилиб, дастлабки мақсад унга мамлакатимиздаги 100 та зиёрат объекти киритилди. Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш мақсадида 11 та халқаро ярмаркада миллий туризм стенди, Куала-Лумпурдаги Малайзия Ислам санъати музейида “Ўзбекистон — ислом цивилизацияси маркази” фотоқўرғамаси ташкил этилди. Шу ўринда айтиш керакки, Самарқанд шаҳрида Жаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) Бош ассамблеясининг 25-сессияси ўтказилгани алоҳида таҳсинга сазовордир.

Хулоса қилиб айтганда, булардан қўзланган мақсад — туризм соҳасини мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг муҳим йўналишига айлантириш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилган.

ҒАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.

Газета тахририят компьютер марказида сахифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги

томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 708.

44611 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.

Баҳоиси келишилган нархда.

“Колограк” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.

Тошкент, Янги шаҳар қўчаси, 1-А уй.

Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов

Мусаххас: Шерзод Маҳмудов

Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33

Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz

Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Ўза яқини — 01:35

Тошхирилди — 02:25